

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича
ШАРТНОМА № 140

2022 йил «17» октябрь

Жиззах шахри

Жиззах вилоят хокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” Инжиниринг компанияси (кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор Х.Хасанов, бир томондан, ва «JIZZAKH GEODETIC» маъсулияти чекланган жамияти (кейинги уринларда «Ижрочи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор Б.Қосимов, иккинчи томондан, мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар:

1. Шартнома предмети.

1.1. Мазкур шартнома бўйича Ижрочи Буюртмачининг топшириғида белгиланган шартларга Фориш тумани «Оқтепа» МФЙ ҳудудида қўп қаватли уй-жойларни автомобил йўллари қурилиши (АРТ, лойиҳа иши ва экспертиза хulosasi билан) обьекти бўйича амалдаги қонунчиликнинг ишларнинг шундай турига қўйладиган талабларига жавоб берадиган ва фойдаланиш учун яроқли бўлган шаҳарсозлик ҳужжатларини (бундан кейинги матнларда “Лойиҳа” деб номланади) ишлаб чиқиш мажбуриятини, Буюртмачи эса техник топшириқ ва бирламчи маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиш ва тўлаш мажбуриятини зиммасига олади

1.2. Хизматлар курсатиш муддати:

Ишнинг бошланиши: 2022 йил 17 октябрь;

Ишни якунлаш: 10 кун.

2. Шартнома бўйича ишлар қиймати ва ҳисоб-китоблар тартиби.

2.1. Мазкур шартнома бўйича ишлар қиймати 2022 йил 12 октябрдаги лот № 155224 бўйича харид қилиш комиссияси баённомасига асосан ҚҚС билан **4 500 000 (Тўрт миллион беш юз минг)** сўмни ташкил этади.

2.2. Ишлар қиймати очиқdir. Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати қарорига асосан ҳамда вазиятлар, материаллар нархлари, ишга ҳақ тўлаш шартлари тубдан ўзгарганда ва бошка ҳаражатлар туфайли ишлар қиймати мазкур шартномага қўшимча битим тузиш йўли билан ўзгартирилиши мумкин.

2.3. Мазкур шартнома бўйича ишлар қийматини тўлаш Буюртмачи томонидан Ижрочининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан куйидаги тартибда амалга оширилади:

- мазкур шартнома имзолангандан кейин бир ой давомида ишлар қийматидан 30% олдиндан тўлов;
- кейинги тўловлар – босқичма-босқич, Лойиҳани қабул қилиш-топшириш юк хати имзолангандан сўнг 60 кун давомида, Лойиҳани асосланган рад этиш хати йўқ бўлган тақдирда.

2.4. Буюртмачи молия органи томонидан молиялаштириш очилмаганлиги сабабли олдиндан тўловни ўтказиш мажбуриятини бажармаса, Ижрочи қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

2.5. Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблаг молиялаштирилмаган тақдирда «Буюртмачи» тулов учун мажбуриятни зиммасига олмайди.

3. Ишларни топшириш-қабул қилиш тартиби.

3.1. Фориш тумани «Оқтепа» МФЙ ҳудудида қўп қаватли уй-жойларни автомобил йўллари қурилиши (АРТ, лойиҳа иши ва экспертиза хulosasi билан) обьекти бўйича лойиҳалаш ишларини бошлаш санаси сифатида куйидаги талабларни бажариш санаси ҳисобланади:

3.1.1. Лойиҳалашга топширикни қонунчиликда ўрнатилган тартибда тасдиқлаш ва келишиб олиш;
3.1.2. Тасдиқланган лойиҳалашга топширикга ҳамда лойиҳалаш ишларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларга мувофиқ буюртмачи лойиҳалаш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тақдим қилиши;

3.1.3. Томонлар мазкур шартномага қўшимча ёзма битим тузиш йўли билан юқоридаги талабларни бажариш учун кетадиган вақтга мутаносиб равишда лойиҳалаш ишларини бажариш календар муддатлари сурилиши мумкин.

3.2. Ишлар тугаллангандан сўнг Ижрочи тайёр Лойиҳани ёки унинг қисмини Буюртмачига юк хати бўйича топширади, лойиҳалашга топшириқ ва мазкур шартнома шартларида кўзда тутилган Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим қиласди.

3.3. Буюртмачи Лойиҳани олганидан кейин қуйидагиларни амалга оширишга мажбур:

3.3.1. Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаганидан кейин 30 кун давомида Лойиҳани олиш ёки олишни рад этиш ва Ижрочинига рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни юбориш;

АДВОКАТСКОЕ БЮРО АЛИНА НАДЕЖДА
адвокат А.Н. Скорнякова
лицензия, удостоверение
№ 000053

3.3.2. Лойиҳани олишни рад этиш сабаблари кўрсатилган хат Ижрочига юборилгандан сўнг иккитомонлама далолатнома ёки қўшимча ёзма битим тузилади. Қўшимча ёзма битимда лойиҳадаги камчиликларни бартараф этиш ишлари рўйхати ва уларни бажариш муддатлари кўрсатилади.

3.3.3. Буюртмачи Лойиҳани олишдан бош тортса (Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаса), рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни Ижрочига юбормаса, Лойиҳа Буюртмачига тақдим этилган вақтдан бошлаб унга топширилган ҳисобланади.

3.3.4. Агар Буюртмачи Лойиҳани текширмасдан қабул қилган бўлса, кейинчалик Лойиҳада шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлигини аниқласа, бундай камчиликларни Лойиҳани қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин качиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддатда ёзма равища огоҳлантириши ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

4.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

4.1.1. Лойиҳани тайёрлаш учун зарур бўладиган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотларни Ижрочига тақдим қиласди.

4.1.2. Мазкур шартномада белгиланган микдор ва тартибда ишлар қийматини Ижрочига тўлаб беради.

4.1.3. Ижроchedan олинган лойиҳадан факат мазкур шартномада кўзда тутилган мақсад учун фойдаланиш, лойиҳани учинчи шахсларга бермаслик ва Ижрочининг розилигисиз ундаги маълумотларни ошкора қилмаслик.

4.1.4. Зарурат туғилганда лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқарорларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиш учун Ижрочини жалб этиш.

4.1.5. Бирламчи маълумотларни ўзгартириш ёки Ижрочига боғлик бўлмаган бошқа вазиятлар туфайли пайдо бўлган қўшимча харажатларни қоплаш (мазкур масала юзасидан томонлар дастлаб ўзаро келишиб ва қўшимча битимни имзолашгандан сўнг).

4.1.6. Тайёр лойиҳанинг камчиликлари сабабли учинчи шахс томонидан Буюртмачига тақдим қилинган даъво бўйича жараёнда иштирок этиш учун Ижрочини жалб қилиш.

4.2. Ижрочининг мажбуриятлари

4.2.1. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун Буюртмачи томонидан тақдим қилинган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талабларга риоя этиш, уларга мувофиқ ва ўзи шахсан лойиҳалаш ишларини бажариши, белгиланган тартибда муаллифлик назоратини олиб бориш ва ҳар 15 кун муддатда мунтазам равища Буюртмачига маълумот бериш;

4.2.2. Буюртмачи томонидан тақдим этилган хужжатларда хато ва камчиликлар борлиги аниқланса, Буюртмачини шу тўғрисида зудлик билан ўрнатилган тартибда огоҳлантириш, Буюртмачидан кўрсатмалар олингунча ишни тўхтатиш. Буюртмачини ўз вақтида огоҳлантирмаган Ижрочи келгусида Буюртмачи томонидан даъво қилинганда хужжатларда хато ва камчиликлар борлигини рўйкач қилмаслиги керак.

4.2.3. Лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишишда Буюртмачи билан биргаликда иштирок этиш.

4.2.4. Мазкур шартномада белгиланган муддатда сифатли, қурилиш меъёrlари ва қоидалари талаблари ва шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартибини белгилайдиган бошқа қонунчилик хужжатларига жавоб берадиган тайёр Лойиҳани Буюртмачига топшириш.

4.2.5. Лойиҳа ишлаб чиқилишини учинчи шахсларга бермаслик.

4.3. Буюртмачи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

4.3.1. Лойиҳадан фойдаланиш давомида унда камчиликлар борлиги аниқланса, Ижроchedan қўйидагиларни талаб қилиш:

- Ижроchi Лойиҳадаги камчиликларни ўз ҳисобидан талаб қилинадиган муддатларда бартараф қилиши;
- шартномавий қийматни шунга мувофиқ миқдорда камайтириш;
- Ижроchi Лойиҳадаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этмаганлиги сабабли Буюртмачининг пайдо бўлган молиявий заарларини қоплаш;
- Лойиҳадаги камчиликлар жиддий ва уларни бартараф қилиш имконияти йўқ бўлса, Буюртмачи шартномани бекор қилиши ва барча қўрилган молиявий заарлар қопланишини Ижроchedan талаб қилиш.
- «Ижроchi» ташкилотнинг айби билан лойиҳа хужжатларига кушимча иш хажмлари ва харажатар аниқланган тақдирда «Уздавархитекткурилиш» кумитасининг 24.06.2008 йилги 50-сонли буйргуи

билин тасдиланган ШНК 1.03.01-08 нинг 1.13.-банди З-хатбошига асосан Бажарувчига туланган сумма тулик Давлат бюджети фойдасига олиб куйилади.

4.4. Ижрочи куйидаги ҳуқуқларга эга:

4.4.1. Буюртмачининг ёзма рухсати билангина лойиҳалаштиришга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талаблардан чекиниш.

5. Томонлар жавобгарлиги.

5.1. Томонлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгардирлар.

5.2. Лойиҳа Буюртмачи томонидан қабул қилингандан кейин Ижрочи кафолатли муддат давомида (10 йил) Лойиҳанинг дастлабки камчиликлари ва Лойиҳадан фойдаланиш мобайнида аниқланган камчиликлари учун жавобгардир. Шунингдек, ушбу камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қилиши, агар камчиликларни бартараф қилиш имконияти бўлмаса, Буюртмачининг заарларини тўлаб бериши керак.

5.3. Ижрочи Лойиҳадаги камчиликлар учун (ушбу камчиликлар аниқланган вақтга боғлиқ бўлмаган ҳолда) куйидаги ҳолларда жавоб бермайди:

- Буюртмачи Ижрочи билан келишиб олмасдан лойиҳалаш мобайнида Лойиҳага қўйилган талаблардан чекинса ёхуд лойиҳалашга топшириқдаги бирламчи маълумотларни ўзгартирса;

5.4. Молия органи томонидан молиялаштириш очилган бўлса ҳам Буюртмачи лойиҳалаш ишларини ўз вақтида молиялаштирумаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун ўтказилмаган тўлов суммасидан 0,4 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида ўтказилмаган тўлов суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.5. Ижрочи лойиҳалаш ишларини ўз вақтида бажармаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун бажарилмаган ишлар суммасидан 0,5 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида бажарилмаган ишлар суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.6. Пеня ва заарларни тўлаш шартномани бузган тарафни шартномадаги мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.7. Томонлар молиявий мажбуриятларни зиммаларига олмаган шарти билан, биринчи томон иккинчи томонни 30 кун аввал ёзма равишда огоҳлантириб, мазкур шартномани муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

5.8. Шартнома муддатидан илгари бекор қилинган ҳолда, шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиққан томон иккинчи томонга мазкур шартнома бўйича ишлар қийматидан 10 % миқдорида жарима (неустойка) тўлайди.

6. Махфийлик.

6.1. Ҳар бир томоннинг фаолияти ёки томонлар билан боғлиқ шахснинг фаолияти тўғрисидаги ошкора қилинмайдиган барча маълумотлар махфийдир. Томонлар бундай маълумотларни бошқа шахсларга ошкора қилмасликлари, мазкур шартномани бажариш билан боғлиқ мақсадлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланмасликлари керак

7. Шартномани ўзгартириш ва тугатиши.

7.1. Мазкур шартноманинг 10.1-пунктида кўрсатилганидек, шартнома муддати тугаши билан томонларнинг шартномадаги мажбуриятлари тугайди.

7.2. Томонлар ўртасидаги ёзма келишувига асосан шартнома ўзгартирилиши ёки муддатидан илгари тугатилиши мумкин.

7.3. Мазкур шартномага қўшимча битим ёки келишмовчилик баённомаси қўринишидаги ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда қилинган ҳамда томонлар (ёки томонлар номидан вакиллар) имзоланганидан кейин юридик кучга эга бўлади.

7.4. Қонунчиликда ёки мазкур шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам мазкур шартнома ўзгартирилиши ёки тугатилиши мумкин.

7.5. Шартнома кучда бўлишини тугатиши томонларни шартномани бузганликлари учун жавобгарликдан озод қилмайди.

8. Низоларни хал этиши.

8.1. Мазкур шартноманинг матнида ечимини топмаган масалалар бўйича томонлар ўртасида пайдо бўлиши мумкин бўлган низолар ва турли талқинлар амалдаги қонунчилик асосида музокаралар ўтказиш йўли билан хал этилади.

8.2. Музокаралар ўтказиш йўли билан низолар хал этилмаса ўрнатилган тартибда низолар Жиззах туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

9. Форс-мажор.

9.1. Кўзда тутилмаган ва келиб чиқишини бартараф этиб бўлмайдиган фавқулодда хусусиятга эга форс-мажор вазиятлари пайдо бўлганда томонлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун жавобгар эмасдирлар.

Фавқулодда вазиятлар сифатида кўйидагилар тушунилади: табиий талофатлар, ёнғин, сув тошқини, шторм, уруш ва уруш ҳаракатлари, қамаллар, қўзголонлар, саботаж, миллатчилик тусга эга ғалаёнлар, эмбарго, давлат органларининг таъқиқлашлари ва шартнома тузилганидан кейин пайдо бўлган томонлар назоратидан ташқаридаги бошқа вазиятлар.

9.2. Форс-мажор вазиятлари пайдо бўлиши муносабати билан мазкур шартномадаги томонлар мажбуриятлари бутунлай бажарилмаса ёки қисман бажарилса, мажбуриятларни бажариш муддатлари бундай вазиятлар таъсир этиши вақтига мутаносиб равища узайтирилади.

10. Бошқа шартлар.

10.1. Мазкур шартнома вилоят Фазначилик бошкармасидан электрон тарзда руйхатдан утгандан сунг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга кадар амал килади.

10.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди. битта нусхаси Буюртмачида, битта нусхаси Ижрочига сақланади.

11. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари: БУЮРТМАЧИ:

**Жиззах вилоят хокимлиги Ягона
буюртмачи хизмати инжинииринг
компанияси.**

Жиззах ш. Ш.Рашидов кучаси 100 уй.
Тел./факс 222-46-40, 222-29-96

шх:

ИНН: 204791955 ОКОНХ: 69000

Жиззах вилоят Фазначилик бошқармаси
ЯФХ 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент
шахар Бон бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса
маркази (ХККМ)
МФО: 00014 ИНН: 201122919

Хасанов Х.



**ИЖРОЧИ:
“JIZZAKH GEODETIC”
масъулияти чекланган жамияти**

Жиззах шахар М.Улугбек 12-й 27 хона

Тел: +99899 555-70-41

Х/Р 2020 8000 7009 0763 1001

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ

Жиззах минтақавий филиали

МФО-01152 ИНН- 305692118



Б.Қосимов

ХУКУКИЙ ХУЛОСА:

Мазкур шартнома Узбекистон Республикаси “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конуннинг 21-моддаси талаблари асосида тузилган. Экспертиза хulosаси шартнома шартларининг мослиги ва унда тарафларнинг жавобгарлиги хамда низоларнинг хал этилиши тартиби амалдаги конунчилик талабларига мослигини беради.


Хукукий экспертиза натижасига кура кўйидагилар аникланди:

1. Шартнома лойихаси Узбекистон Республикасининг амалдаги конунлари талабларига мувофик тузилган. Такдим этилаётган пудрат шартномаси шартлари конунчилик талабларига жавоб беради. Шартнома буйича юзага келган хар кандай холат Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 686-708-моддалари хамда “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конуннинг 10,11-моддалари билан тартибга солинади.

2. Шартнома буйича тарафларнинг уз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида юзага келадиган жавобгарлик Узбекистон Республикаси “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конуннинг 24-34, 36-моддалари талабларига мос келади.

Жиззах вилоят хокимлиги ЯБХ ИК
хукукшуноси - адвокат адвокат А.Н. Скорнякова
лицензия, удостоверение
№ 050003

О.Очилов



А.Н.Скорнякова

М.Алиев

